

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Ипакчилик ва жун саноатни
ривожлантириш қўмитаси раиси**



Б.Қ.Шарипов
июнь 2022 йил

БУЮРТМАЧИ:

Ипакчилик ва жун саноатни ривожлантириш қўмитаси

**Тут парвонаси билан захарланган дала контурлар атрофи, йўл ёқаси ва
арик бўйларида жойлашган якка қатор тут дарахтлари ҳамда тутзорлар
майдонларида сифатли кимиёвий ишловчиларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда
тут парвонаси зараркунандасини батамом йўқ қилиш**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида тут парвонасига қарши кураш ишларини олиб бориш.

1.2. Тут парвонаси билан заҳарланган дала контурлар атрофи, йўл ёқаси ва ариқ бўйларида жойлашган якка қатор тут дарахтлари ҳамда тут майдонларига сифатли кимиёвий ишлов бериш:

- Самарқанд вилоятида 550 000 дона якка қатор тут дарахтларига сифатли кимиёвий ишлов бериш қиймати 292 600 000 сўмни ташкил этади;

1.3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Вилоятлар кесимида танлов алоҳида-алоҳида эълон қилинади (иловага асосан).

1.5. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани Исмоил ота кўча 1-а уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан Биржа (савдо)га қўйилади ва Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар мавжудлиги;

- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

- танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми;

- Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

- мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани жадвал қисми билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (xarid.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим (1-илова):

- техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Хизматни ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни (2-иловага мувофиқ) кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юридик «Буюртмачи» давлат рўйхатидан ўтган ҳудуддаги суд органларида кўриб чиқилади.

7.3. Шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Танловга тақдим этиладиган хужжатлар рўйхати

1. Ушбу танлов хизматлар қисқа муддатда бажариш бўйича кафолат
2. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.
3. Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот.
4. Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 5 йиллик иш тажрибаси тўғрисида маълумот.
5. Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот
6. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи тўғрисида маълумот
7. Тут парвонаси билан заҳарланган дала контурлар атрофи, йўл ёқаси ва ариқ бўйларида жойлашган якка қатор тут дарахтлари ҳамда тутзорларни ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома.

Таклифларни техник ва нархлар бўйича баҳолаш.

2-илова

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан кўрсатилган муддатда иштирокчилардан электрон шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жиҳатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электрон шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг қуйидаги иезонларга асосан нархлар бўйича баҳоланади.

№	Мезонлар номи, мазмуни	Энг юқори балл	Фоиз ҳисобида
1	Ушбу танлов хизматлар қисқа муддатда бажариш бўйича кафолат	20	80 %
2	Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия, хизмат кўрсатиш учун рухсат этувчи ҳужжатлар нусхалари	10	
3	Мавжуд техника ва механизмлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тўғрисида маълумот	15	
4	Охириги 5 йил давомида шу соҳада бажарилган ишлар бўйича орттирилган тажрибаси	20	
5	Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва ўртача иш стажи	15	
6	Тут парвонаси билан заҳарланган дала контурлар атрофи, йўл ёқаси ва ариқ бўйларида жойлашган яққа қатор тут дарахтлари ҳамда тутзорларни ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома	10	
7	Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи	15	
8	Ишларни бажариш бўйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)		20 %